



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ–240-сон “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари куйидаги мазмундаги 78¹-банд билан тўлдирилсин:

“78¹. ЖИЭМларда сақланаётган маҳкумлар электрон давлат хизматлари, шу жумладан нотариат хизматларидан фойдаланиши учун ЖИЭМ маъмурияти томонидан алоҳида хона ажратилади. Мазкур хона веб-камера ҳамда Жаҳон ахборот интернет тармоғига уланган компьютер техникаси билан техникаси билан жиҳозланади.”.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Олий суди билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири
Тошкент ш.
2022 йил 24 октябрь,
453 сон



Бобожонов П.Р.

Келишилди:

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Тошкент ш.
2022 йил 20 октябрь,

Раис

Тошкент ш.
2022 йил 18 октябрь,

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ БОШ
ПРОКУРОРИ**

Тошкент ш.
2022 йил 19 октябрь,

Вазир

Тошкент ш.
2022 йил 24 октябрь,



Xusanov N. B.



Islamov B. D.



Yo'ldoshev N. T.



Musayev B. A.